

# **“Олмазор тажриба-механика, таъмирлаш-ёрдамчи корхонаси” унитар корхонасининг У С Т А В И**

## **I. Умумий қоидалар**

1. “Олмазор тажриба-механика, таъмирлаш-ёрдамчи корхонаси” унитар корхонаси (кейинги ўринларда - “Корхона”) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда - “Муассис”) ташкилий тузилмасига киритилган.

2. Муассиснинг 2017 йил 29 марта даги 08-сонли буйруғига асосан “Олмазор тажриба-механика, таъмирлаш-ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонаси” - “Олмазор тажриба-механика, таъмирлаш-ёрдамчи корхонаси” унитар корхонаси этиб қайта номланган.

“Олмазор тажриба-механика, таъмирлаш-ёрдамчи корхонаси” унитар корхонаси “Олмазор тажриба-механика, таъмирлаш-ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонасининг хуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Корхонанинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида - “Олмазор тажриба-механика, таъмирлаш-ёрдамчи корхонаси” унитар корхонаси (қисқартмаси – “Олмазор ТМТЁК” УК);

рус тилида - Унитарное предприятие “Алмазарское экспериментально-механическое, ремонтно-вспомогательное предприятие (қисқартмаси – УП “Алмазарское ЭМРВП”).

4. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

5. “Олмазор тажриба-механика, таъмирлаш-ёрдамчи корхонаси” унитар корхонаси Муассиснинг унитар корхонаси ҳисобланади.

6. Корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Муассиснинг қарорлари, фармойишлари ва буйруқларига, мазкур Уставга ҳамда соҳага оид бошқа қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

7. Корхона ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга бўйсунади.

8. Корхона Уставига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

9. Корхона Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз номи давлат тилида ёзилган бланкаларга, думалоқ мухрға, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банқда ҳисоб рақамларига, шунингдек хорижий валюта ҳисоб рақамига эга бўлади.

10. Корхона қонун ҳужжатларида белгилантган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

11. Корхона давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

12. Корхонанинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Хўжаобод қўрғони, Хўжаовул алоқа бўлими.

## **II. Корхонанинг мақсади ва асосий вазифалари**

13. Корхонанинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тизимиға кирувчи корхоналар томонидан автомобиль йўлларини қуриш, сақлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун сифатли, рақобатбардош йўл белгилари, йўл қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда товарбетон, асфальтбетон заводлари ва йўл қурилиш техникаларини капитал ва жорий таъмирлаш, сервис хизматлари кўрсатиш, асфальтбетон заводларини қуриш ишларини бажариш ҳисобланади.

14. Қуйидагилар Корхонанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- йўл ва аэрордром қурилиш ишларига янги, замонавий техника ва технологиялар қўллаш орқали рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш;

- хар ҳил турдаги йўл белгилари ва элементлари, асфальтбетон, товарбетон, темир-бетон конструкциялари ва норуда маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- товарбетон, асфальтбетон заводлари ва йўл қурилиш техникаларини капитал ва жорий таъмирлаш, сервис хизматлари кўрсатиш, асфальтбетон заводларини қуриш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ўзаро тузилган шартномалар асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилотларга ва фуқароларга реализация қилиш;

- ишлаб чиқаришга илғор тажриба, янги техника, технология ва самарали йўл-курилиш материаллари, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларни тадбик этиш;

- ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчини танлаш, иш хақи тўлашни ўрнатилган тартиб ва усулларни қўллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва ўз-ўзини бошқариш масалаларини мустақил ҳал қилиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

- автотранспорт ва бошқа транспорт воситалари ҳамда механизмлар билан хизматлар кўрсатиш;

- пудрат шартномалари бўйича бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга иш бажариш, хизматлар кўрсатиш;

- корхона ишлаб чикариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий хаётини яхшилаш учун шароитлар яратиш;
- улгуржи, чакана савдо;
- халқ истеъмоли молларини ишлаб чикариш;
- турли соҳаларда хақ эвазига хизмат кўрсатиш;
- фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

15. Лицензия ёки маҳсус рухсат талаб қилинадиган фаолият турлари, ўрнатилган тартибда лицензия ёки маҳсус рухсат олингандан сўнг амалга оширилади.

### **III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

16. Муассис қонун хужжатларида белгиланган тартибда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Корхона фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, турларини белгилаш;

Корхона Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

Корхона директорини тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиш;

Корхонани қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Корхона мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Корхонанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

Корхона соғ фойдасини тасарруф этиш ва уни сарфлаш йўналишларини белгилаш;

Корхонага етказилган заарларни ундириш тўғрисида Корхона директорига нисбатан даъво тақдим этиш;

Муассис томонидан Корхонага берилган мулк ҳисобидан фойдаланишдан тушган соғ фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

17. Муассис қўйидагиларга мажбур:

Корхона директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ директор билан меҳнат шартномасини тузиш;

Корхонага берилган мулқдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

#### **IV. Корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

18. Корхона қонун хужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Республика йўл хўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш;

ишлиб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти масалаларини мустақил ҳал қилиш;

аниқ иш турларининг ижрочисини танлаш;

мехнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шаклларини қўллаш;

мехнат жамоасининг ижтимоий ривожи масалаларини ҳал қилиш;

белгиланган тартибда банклардан турли кредитлар олиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

19. Корхона директори Корхонанинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва Корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Корхона номидан ишончномасиз фаолият қўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди. Корхона номидан битимлар тузади ва уларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди, ходимларни ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қиласди, буйруқлар чиқаради, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

20. Корхона директори Корхонага юклатилган вазифа ва мажбуриятларга мувофиқ Корхона фаолияти ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

21. Корхона бошқарув ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг лавозим тариф разрядлари Корхона директори томонидан Муассис билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

22. Корхона директори Муассис олдида Корхона Уставида белгиланган тартибда Корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

23. Корхона директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Корхона манфаатларини қўзлаб ҳаракат қиласди ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фонdlарга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга tenglashтирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлиб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Корхонага берилган мулк йўқолган тақдирда, Корхонага етказилган заарлар учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

Автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш, ва таъмирлаш бўйича пудрат шартномаларини Муассиснинг розилиги олингандан сўнг имзолаш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилиш.

## V. Корхонанинг устав фонди

**25. Корхонанинг устав фонди 399 399 000 (уч юз тўқсон тўққиз миллион уч юз тўқсон тўққиз минг) сўм миқдоридаги асосий воситалардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилган.**

26. Корхонанинг устав фонди Муассиснинг қарорига мувофиқ кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Устав фондининг кўпайтирилганлиги ёки камайтирилганлиги Корхона уставига бу ҳақда тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришлар Муассис томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

27. Корхонанинг устав фондини кўпайтириш Муассиснинг қўшимча улушлари ҳисобидан ёки Корхона соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Корхона устав фондини Корхона соф фойдаси ҳисобидан кўпайтириш тўғрисида қарор Корхонанинг ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йилги бухгалтерия ҳисботи маълумотларига асосан қабул килинади. Корхона устав фондини камайтириш Муассис қарорига асосан амалга оширилади.

28. Корхона мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда:

Муассис томонидан Корхонага бириктирилган (берилган) мулк;

Корхонанинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади.

Корхона мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

29. Корхона мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

30. Корхона мулкини тасарруф этиш қўйидаги ҳолларда Корхонанинг директори томонидан фақат Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни балансдан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни бошқа ҳўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

ҳўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

ҳўжалик жамиятларидаги Корхонага тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

## VI. Корхонанинг фойдаси

31. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Корхона ҳисобида қоладиган соф фойда унинг ихтиёрида қолади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 июндаги 149-сонли қарори билан белгиланган зарурый фойда миқдори бундан мустасно).

32. Корхона соф фойдасини тасарруф этиш Муассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

33. Корхона ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Муассиснинг розилиги билан заҳира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

34. Муассис билан келишилган ҳолда Корхонада ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ҳамда ижтимоий мақсадларда фондлар ташкил этилиши мумкин.

35. Корхона Муассиснинг марказлашган жамғармасига мазкур Уставнинг 31-бандида белгиланган соф фойдаси ҳисобидан тўловларни тўлашни ўрнатилган тартибда ташкил қиласди.

## **VII. Корхонанинг жавобгарлиги**

36. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Корхона Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Муассис Корхонанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

## **VIII. Корхона фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш**

37. Корхонани Муассис томонидан ўрнатилган тартибда тайинланган директор бошқаради. Корхонанинг директор ўринбосари, бош муҳандиси ва бош ҳисобчиси Муассис билан келишилган ҳолда Корхона директори томонидан тайинланади.

38. Корхона ҳисбот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

39. Корхона ҳисбот даври (чораклик, йиллик) якуни бўйича Муассисга ўрнатилган тартибда баланс ҳисботларини (молия, бухгалтерия, статистик ва бошқа ҳисботлар) топширади.

40. Корхона фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## **IX. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш**

41. Корхона Муассис қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

## **X. Якуний қоидалар**

42. Ушбу Уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

43. Ушбу Устав қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.